БЎШ КЕЛМА, ЖАМОЛ!

ФАРҒОНА.Қўқон давлат санъат билим юрти талабаси Жамол Раҳмонов номига Ҳиндистондан хушхабар келди. Маълум бўлишича, Жамолнинг "Фарғона манзаралари", "Заҳириддин Муҳаммад Бобур" каби 6 тадан кўпроқ асари Ҳиндистонда чиқарилган махсус альбомга киритилибди. Ж. Раҳмоновнинг суратлари Деҳли шаҳрида ўтказилган халқаро рассомлар кўргазмасида намойиш этилиб, кумуш медал ва махсус диплом билан тақдирланган эди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ҚИПИҚ — ЕР МАЛҲАМИ

АНДИЖОН. Пахтаобод туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида картошка етиштириш бўйича ажойиб натижалар қўлга киритилмоқда. Боиси, Ж. Акбаров бригадаси далаларида қатор ораларига шоли қипиғи солинган эди. Тупроқнинг таркиби яхшиланиб, донадорлиги ошди. "Шоли қипиғи картошка етиштиришда ўзига хос малҳам экан,— дейди Ж. Акбаров. — Бунинг хосияти туфайли ижарачилардан Қаҳрамон Тиловолдиев 40 сотих майдондан 7200 килограмм, Исмоилжон Асқаров эса 30 сотиҳдан 5160 килограмм картошка олишди".

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЙИЛ ОЙ КУН

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ЯНГИ ФАБРИКА

НАМАНГАН. Поп туманида Туркиянинг "Текфен" фирмаси билан ҳамкорликда ип йигурув фабрикаси бунёд этилмоқда. 35 миллион доллар маблағ сарфлаб қурилаётган ушбу корхона келгуси йилдан маҳсулот бера бошлайди. Айни кунларда фабрика дастгоҳларини монтаж қилиш давом этяпти.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

КУТУБХОНА – МАЪРИФАТ МАСКАНИ

ЖИЗЗАХ. ЎзХДП Зафаробод тумани кенгаши ҳамда "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими қишлоқ жойларида кутубхона ишларини яхшилашга алоҳида эътибор қилишмоқда. Кутубхоначилар семинарининг қизиқарли ўтгани ҳам шундан. Йиғилишда қишлоқ кутубхоналари ишини давр талаби даражасига кўтариш, ҳукумат қарорларини тарғиб этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 18 декабрь, пайшанба № 148 (22.231).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Тошкентда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда енгил саноат корхоналаридаги экология ва саломатлик муаммолари муҳокама қилинди. Конференция «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ҳамда Тошкентдаги тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

* * *

Таниқли физик олим, Андижон университетининг ректори, профессор Сирожиддин Зайнобиддинов АҚШда ташкил этилган Халқаро фанлар, таълим, саноат ва санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

* * *

Яқинда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Ўзбекистон олий ўқув юртларининг Оврупо мамлакатлари таълим муассасалари билан ҳамкорлиги — Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишда муҳим омил «ТАСИС-ТЕМПУС лойиҳалари аспекти» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча олий ўқув юртлари ректорлари билан биргаликда Италия ва Франция элчихоналаридан ҳам вакиллар қатнашди.

* * *

Эндиликда «Наманганнон» корхонасининг нонлари таркиби андек ўзгарди, яъни улар ёпаётган нонларнинг инсон саломатлиги учун фойдалилиги оширилди. Бунинг учун калийли йод моддасидан фойдаланилмоқда.

* * *

Эртага Тошкентдаги Экспомарказда модалар кўргазмаси бошланади. Унда «Агама» давлат тижорат фирмасининг, Бухоро қоракўл заводининг жозибадор кийимларию, башанг пальтолари, шунингдек, Хоразмдаги «Гурлан» акционерлик-тижорат бирлашмасининг маҳсулотлари намойиш этилади. Бундан ташқари тадбирда Покистон ва АҚШдан ҳам таниқли рассом-моделчилар иштирок этади. Кўргазма 21 декабргача давом этади.

* * *

Яқинда Ўзбекистон банклар ассоциациясида «Банкинформрейтинг» банкларароо ахборот-рейтинг компаниясининг тижорат банклари ишончлилигини рейтинг асосида баҳолаш услубини яратиш ва унинг татбиқига бағишланган банкларароо семинари бўлиб ўтди.



Нон — неъматлар султони.

ИШ КЎЗИНИ БИЛАР АЁЛЛАР

Хотин-қизларимиз қадим-қадимдан ўзларининг тадбиркор ва ишбилармонликларини намойиш этишган. Уларнинг чеварликлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Замон нафасидан баҳраманд аёлларимиз мустақиллик йилларида ҳам ҳар жиҳатдан ўз имкониятларини юзага чиқариш йўлида саъй-ҳаракатлар қилишмоқда. Жумладан, вилоят хотин-қизлар қўмитасида ўтказилган кенгашда «Евроосиё» жамғармасининг ҳудудий мувофиқлаштирувчиси Ўлмасхон Икромова аёллар ишбилармонлигида имкониятлардан унумли фойдаланиш, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва бу борадаги мақомни яхшилаш хусусида мулоҳаза билдирди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Жанубий Кореянинг «О Янг Хо» сузиш базасида 15 кеча кундуз давом этган ёнғин натижасида бутун иншоот ёниб кул бўлди.

* * *

Жанубий Корея Республикаси билан Тайвань ўртасидаги дипломатик муносабатлар бузилгандан сўнг икки мамлакатнинг элчихонаси вакиллари давлатларнинг пойтахтларида Претория ва Тайбэй алоқалар гуруҳи ташкил этишди.

* * *

Нью-Йорк полицияси хавфли террорчи бўлиб чиқиши мумкин бўлган кишини қидирмоқда.

* * *

Қора денгизда ҳалокатга учраган Туркиянинг «Альфа» кемасини қидириш ишлари ҳозирча муваффақият келтиргани йўқ.

* * *

Шимолий Ирландиядаги вазиятни юмшатиш бўйича ўтказилган бу йилги сўнгги мажлис натижасиз якунланди.

* * *

Малика Диананинг ҳалокати сабабларини аниқлаш учун интилаётган француз суди терговчиси навбатдаги кишини сўроқ қилишга киришмоқчи. Бу Диананинг шахсий қўриқчиси британиялик Тривор Рис-Жоунсдир.

* * *

Кетма-кет ёққан қалин қор натижасида Чехия, Германия ва Австрия чегарасидаги автомобиль йўллари ишдан чиқди.

* * *

Францияннинг машҳур «Нина Риччи» фирмасини Испаниянинг «Пуиг» гуруҳи сотиб олди.

* * *

Афғонистонда уруш қурбонларининг оммавий дафн этилган жойи топилди.

* * *

Қалин қор ёғишидан хавфсираган Париж раҳбарияти шаҳар кўчаларига 150 тонна туз сочишни буюрди.

* * *

Франция Президенти Жак Ширак Абу-Даби шаҳрида Яқин Шарқ теварагидаги тинчлик жараёни тўхтаб қолганлиги ҳақида ташвиш билан гапирди. Европа ва бутун дунё мамлакатлари Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни тўхтаб қолганлигидан ташвишда, деди Жак Ширак. У Исроил ва Фаластин томонлари ўртасидаги шартномалар ўз вақтида бажарилса янги-янги музокараларга эришиш мумкин, деди.

1998 йил — Оила йили

ОИЛА ИҚБОЛИ

Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ.

1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг умумруҳига жуда мос келади. Агар бозор иқтисодиётига ўтишнинг туб моҳиятида шахсий манфаатдорликни кучайтириш орқали меҳнатга муносабатни ўзгартириш, хусусий мулк психологиясини шакллантириш, шу тариқа ишлаб чиқаришни тамоман янгича — замонавий асосга қуриш ётади. Бу вазифаларнинг биронтасини оила манфаатларидан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Хусусан, миллий хусусиятларимиз, дейлик, оилани бағоят муқаддас билишимиздан келиб чиқилса, бунинг аҳамияти янада аёнлашади.

Шунинг учун ҳам халқимиз Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси беш йиллиги тантанасида 1998 йилни Оила йили деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифини мамнуният билан кутиб олди.

Бу ҳар бир кишини оила ҳақида бир қайта мушоҳада қилишга ундайди. Фикр амал сари чорлайди. Бугун тафаккурда пайдо бўлган бир ғоя эртага ҳаётга кўчади.

Турли ёшдаги, ҳар хил касбдаги фуқаролардан келаётган мактубларни ўқиб, шундай хулоса чиқарасизки, бугун халқ мамлакатни ривожлантиришга қаратилган умумғоя атрофида бирлаша боряпти. Бу мустақиллик берган ҳосилалардан бири эмасми?!

Келинг, яхшиси, ана шу хатларнинг айримларини ҳукмингизга ҳавола этайлик.

2-бет

ҚАРЗИ БОРНИНГ, АРЗИ БОР

ёхуд «Нафис» пойабзал моделлаштириш акционерлик жамиятининг бугунги аҳволи ҳақида

1. АЙБДОР КИМ?

Қизига оёқ кийим сотиб олмоқчи бўлган бир одам бозорга тушиб ўтирмай, ўзи кўпдан кўриб-билиб юрган пойабзал ишлаб чиқариш корхонасига йўл олди. «Келган харидорни қайтарма» — деган нақлга амал қилиб юрган корхона ходимлари меҳмонни яхши кутиб олишди. Бир жуфт яхши тайёрланган пойабзални бериб, бир йўла савдосини ҳам қилишди.

Янги оёқ кийимини кўрган қизалоқнинг қувончи ичига сиғмади. Чопиб кўчага чиқди. Кўп эмас, бир неча дақиқа ўтгач, янги пойабзалнинг «оғзи» очилиб қолди. Бу аҳволдан таажжубланган ота эртасига яна корхонага кириб келди. Узоқ чўзилган гап-сўз ва тортишувлардан сўнг корхонадагилар пойабзални алмаштириб беришди. Меҳмон чиқиб кетар экан: «... барибир айб ўзларида, маҳсулоти сифатсиз» деб таъна қилиб кўйди.

Бу воқеани эшитиб корхона раҳбаридан «Сиз нима дедингиз? — деб сўрадим. Раҳбар елка қисди:

— Биздаги ишлаб чиқарилаётган пойабзалларнинг сифати ёмон эмас. Агар солиштирадиган бўлсак, Марказий Осиёдаги сифатли маҳсулотлардан бири. Аммо қизалоқ уни кўчага кийиб чиқмаслиги керак эди. Менимча...

Раҳбар «қизалоқ айбдор» демоқчи бўлди-ю, лекин жим қолди.

2. ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ, АММО...

Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмасига қарашли «Нафис» пойабзали моделлаштириш акционерлик жамияти пойабзалнинг янги турларини тажрибаҳ усулида ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Шу кунгача корхона 254 турдаги пойабзалларнинг янги турларини ишлаб чиқарди. Шундан 146 таси аҳоли талабларини ўрганиш учун тайёрланган. 45 турига пойабзал корхоналарида ишлаб чиқаришга йўлланма берилган. Қолган 63 тури эса жамоанинг ўзида ишлаб чиқариш режалаштирилган. Умумий ҳисобда пойабзалнинг 254 туридан ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётгани, 30 турини ташкил қилади. Булар Қўқондаги «Мадина» акционерлик жамиятида (2 тури), Янгийўлдаги «Кичкинтой» акционерлик жамиятида (1 тури) ва «Нафис» акционерлик жамиятида (27 тури) тайёрланади.

Эътибор қилсак, ишлаб чиқаришга мўлжалланган пойабзал туридан ишлаб чиқарилаётган турлари камайиб кетганлигини кўрамиз.

Нега шундай?

Пойабзал тайёрлашда қолипларнинг аҳамияти катта. Маҳсулотларнинг харидорбоп ва чиройли кўринишга эга бўлиши кўп жиҳатдан қолипларга боғлиқ. Ундан ташқари чармнинг рангдорлиги, тагликларнинг мустаҳкамлиги ҳам унинг харидоргирлигини оширади.

Корхонага раҳбарлик қилаётган Ниғматов Мирғани Ниғматович ҳузурида бўлганимда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўздан кечирдим.

Эркаклар, аёллар ва болалар пойабзалларининг тикилиши ва кўриниши чакки эмас. Лекин чармнинг рангдор эмаслиги, тагликларнинг юпқалиги дарҳол кўзга ташланади. Пошналарининг кўриниши қўполроқ, афтидан пойабзалнинг ҳуснини бузаётгандай. «Нархи қанча?» — деб сўрайман, раҳбардан. «2,500-3000 атрофида», «Қимматмасми?» сўрайман яна. «Таннархи шу, биз камайтириб баҳо қўёлмаймиз» жавоб қилди раҳбар. Менимча, харидорларни ҳам шу икки нарса ранжитади: маҳсулот сифати ва нархи. Шундай бўлгач, бошқа пойабзал корхоналари ҳам бундай маҳсулотларни ишлаб чиқармай қўйган. Бу корхоналарнинг ўзаро алоқаларининг бузилишига сабаб бўлган. Цехга тушиб ишлаб чиқариш жараёни билан танишдим. Ускуналар ишлаяпти, аммо эски экан. Бир жойда икки киши тикилган теріларни қолиплаш билан машғул. Қизиқиб иш жараёнини кузатдим. Суҳбатлашгим келди. «Қолиплар ишлаб чиқарилмагунча сифатли маҳсулот ярата олмаймиз» — дейди улар. «Булар-чи?» — сариқ рангдаги баъзилари қайта ишланган (синган!) қолипларни кўрсатаман. «Булар Россиядан келтирилган. Ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Ўзимизда эса қолип чиқарадиган корхоналар йўқ».

«Қолип ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона қурилади, деган гап бўлганди, 3-4 йил олдин. Ҳанузгача бирор натижа йўқ», — деди иккинчи ҳамсуҳбатимиз.

Демак, корхонадагилар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг қандайлигини яхши билишади. Шунинг учун ҳам иш унуми ва маҳсулот сифатини оширишнинг ягона йўли — қўшма корхона ташкил этиш кераклигини анча илгари англаб етишган. Лекин...

3. ҚЎШМА КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИМИ?

Ҳақиқатан ҳам, 1992 йилларда қўшма корхона тузиш режаси туғилган эди. Хорижий ишбилармонлар билан шартнома ҳам имзоланган. Аммо вақти келганда маблағ топилмай режа амалга ошмай қолган. 1995 йил бу масала жонлангандай бўлди-ю, яна ўз ҳолига тушиб қолди. Бу гал хорижий ишбилармонларнинг ишончи йўқолган эди.

Аҳвол шундай давом этавермади. Шу орада Олмон ишбилармонлари келиб қолишди: қўшма корхона қурайлик, биз розимиз — дейишди. Аммо янги усулда маҳсулот яратиш учун замин яратилган бўлади. Аммо ҳозирча қўшма корхона қуриладими, йўқми, бирор нарса дейиш қийин.

Корхонанинг бугунги кундаги қарзи 10 млн. сўм. Бу қарздан қутилиш учун корхонанинг қуввати етмайди. 85 киши меҳнат қилаётган жамоада кунига 60-70 жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. Бу билан кун кўриб бўладими? Йўқ, албатта. Иккинчи томондан хом-ашё ўз вақтида етиб келмайди. Бўлмаса корхонанинг иш қуввати кунига 250-300 жуфт пойабзал ишлаб чиқаришга етади. Бу борада мавжуд иш қувватидан ҳам унумли фойдаланилмаётир. Агар аҳвол шундай давом этаверса келгусида корхонанинг тақдири нима кечади. Аслида корхонанинг вазифаси ишлаб чиқариш эмас, моделлаштиришдир.

Хулоса шуки, республикамизда ягона бўлган «Нафис» пойабзални моделлаштириш акционерлик жамиятига «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг кенг қўламли ёрдами етишмаяпти. Корхона фаолиятига бўлган эътибор жуда сўст. Мавжуд имкониятлар эса четлаб ўтилмоқда. Уюшманинг корхонага бўлган бундай муносабатини қандай изоҳлаш мумкин?!

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун фақатгина қолип ишлаб чиқариш кифоя қилмайди. Тери рангдорлигини ошириш, қолипларга мос бўлган пошна ва қаттиқ тагликларни ишлаб чиқариш керак. Кўриниб турибдики бу борадаги қилинадиган ишлар талайгина. Республикамизда ҳар бир соҳада соф маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Уларнинг баъзилари жаҳонда ўз мавқеига эга бўлди ҳам. Шундай экан енгил саноатимиздаги бундай масалаларга асло бефарқ қараб бўлмайди.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ОИЛА ИҚБОЛИ

ОИЛА ҒАМИ — ХАЛҚ ҒАМИ

Халқ ғамини ейиш деганда ҳар ким ҳар нарсани тушунади. Бироқ раҳбаримиз оила ғамини еб иш кўряптими, демак, у халқ ғамини ўйлаяпти. Чунки халқ оилалардан ташкил топган.

Мен уч чорак асрни яшаб қўйдим. Кўп кунларни, урушни кўрдик. Оила бор эди. Оила ҳақида гаплар ҳам бўлиб турар эди. Лекин ақлимни таниганимдан бери оила масаласи ҳозиргидек давлат сиёсати даражасида ўртага қўйилганини эслай олмайман. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг Конституциямиз беш йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқини ҳаяжон билан тингладим.

Шукр, чолу кампир 6 минг 800 сўм нафақа оламиз. Тўрт ўғил, тўрт қизимиз, ўттиз беш невара, етти эварамиз бор. Улар атрофимизда гирди-капалак. Ўзбек оилаларининг кўпи бизга ўхшаган аёлманд. Болажонлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Шунинг учун ҳам 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши, шу бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш ҳақида фармойиш чиқарилиши давлатимизнинг миллий хусусиятларимизни обдон инобатга олиб сиёсат юргизаётганидан далолат беради.

Энди ҳар ким оиласи ҳақида бир қайта мушоҳада қилиб кўради. Уни янада такомиллаштириш йўлларини излайди. Ўзаро тажриба алмашади. Биз — қариялар бу борада бор тажрибаларимизни ишга солиб, оилаларимиз равнақи йўлида қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз. Мамлакатимизда келажак истиқболини ўйлаб қилинаётган бу тарихий жараёндан четда қолмаймиз.

Муҳиддинхон ҲУСАНОВ,
биринчи гуруҳ уруш ногирони, Халқ маорифи аълочиси,
Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани фахрийлар кенгашининг аъзоси.

ҲАР БИР ОТА-ОНА ПЕДАГОГ БЎЛИШИ КЕРАК!

Мен туғилиб ўсган оилада ўғил бўлмаган. Ўғиллик бўлиш энг катта бахт деб билганман. Кўшнимизнинг тўрт ўғли бор эди. Шу аёлни энг бахтли инсон деб ҳисоблардим.

Оҳимиз Оллоҳга етган эканми, шукрки, саккиз ўғил, бир қизимиз бор. Ҳаммаси олий маълумотли. Қўлидан келганича эл хизматини қилиб келяпти. Йигирма невара кўрдик. Чолу кампир етмиш бешга чиқяпмиз. Эллик беш йиллик турмушимиздан норози эмасмиз. Шуни тушундимки, фарзанд кўришнинг ўзигина бахт эмас экан. Ҳақиқий бахт оқил фарзанд тарбиялашда экан.

Мен асли ўқитувчиман. Лекин мактабда муаллимлик бошқа, уйда фарзанд тарбиялаш бир бошқа малака, маҳорат, оқиллик талаб қилар экан.

Шу ёшга кириб бир хулосага келдимки, ҳар бир ота-она, касб-ҳунаридан қатъи назар, оилада моҳир педагог бўлиши керак экан. Яна бир хулосам шуки, бола тарбияси фақат ота-онанинггина иши эмас. Бобо-бувиларнинг оиладаги ўрни беқиёс. Хусусан, биз — ўзбеклар азал-азалдан кексаларни оиланинг кўрки билиб келганмиз. Вояга етаётган фарзанд бобо-бувисидан оладиган меҳру муҳаббат, эркалаш, ҳаётий сабоқни бошқа ҳеч кимдан ола билмайди.

Демак, Президентимизнинг 1998 йилни Оила йили деб эълон қилишлари мамлакатимизнинг отахон ва онахонлари зиммасига ҳам вазифа ва масъулиятлар юклайди. Ахир, фақат невара-эвараларгина эмас, ўзи невара кўрган, сочига оқ тушган фарзандларимиз ҳам оила масаласида биздан маслаҳат сўрайди. Шу маънода юртбошимизнинг сессиядаги нутқлари бизни ҳам сергак торттиради, оилаларимизни янада баркамоллаштириш учун жон куйдиришга ундайди.

Халқимизда: «Асл оиладан қиз ол!» — деган ақида бор. Хўш, қандай оила асл оила?

Асл фарзанд вояга етказа билган оилагина асл оила бўлади. Халқнинг асл фарзандлари эса асл оилалардан етишиб чиқади.

Президентимиз ўртага қўйган масаланинг моҳиятида халқнинг асл фарзандларини вояга етказиш илинжи ётибди.

Хадича Ҳотам қизи РУСТАМОВА,
Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Эҳсон фуқаролар кенгашига қарашли Қирғизон қишлоғида яшовчи нафақахўр.

ЯНГИ ЖАРАЁНЛАР

Бугун бутунлай янгича ҳаётда яшаяпмиз. Кўп нарса ўзгаряпти. Хусусан, янгича иқтисодий муносабатлар пайдо бўлиб, шаклланяпти. Рости, оилани шу шароитларга мослаш зарурати бор. Хўш, бундай жараёнлар оилада қандай акс этади?

Оила йилида биз ҳаммамиз шу ҳақда ўйлашимиз, оиланинг фаровонлигига эришиш учун кураш бошлашимиз, унинг жамият, давлат ва авлодлар олдидаги масъулиятини ҳис қилмоғимиз зарур.

Ўтиш даврида оилани ҳар тарафлама муҳофаза қилиш борасидаги Президентимиз юргизаётган сиёсатни маъқуллайман.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Жиззах вилояти, Зафаробод тумани, механизатор.

РАҲБАР — МАСЪУЛ

Оила йилида корхоналарда ҳам масъулият оширилиши керак, деб ўйлайман. Чунки ишчи-хизматчининг даромади кўпайиши бевосита оила фаровонлигининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир корхона раҳбари жамоа аъзоларининг оила шароитлари билан таниш бўлиши, қўлидан келганича уларнинг оила ташвишларига шерик бўлишга интилиши керак, деб ўйлайман. Чунки, Президентимиз таъкидлаётганларидек, оила фаровонлигига эришмай туриб мамлакат фаровонлигига эришиш қийин.

Ўктам РЎЗИҚУЛОВ,
«Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти директори, Олий Мажлис депутати.

ОИЛА МАНФААТИ

1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилинишидан кўзланган бош мақсад — оила манфаатини ҳимоя қилиш, деб тушунаман. Қишлоқ шароитида оиланинг умумманфаатини биргалашиб таъминлаш имконияти кўп. Хусусан, оила пудрати бўлиб меҳнат қилишнинг бугунги замон талабига мослигини Президентимиз тушунтириб бердилар. Ҳатто, томорқадан яхшигина даромад олаётган оилалар ҳам анча. Улар сони кўпайиб боряпти. Бу ҳам халқимиз бозор иқтисодиёти шароитларига йил сайин мослаша бораётганини кўрсатади. Кимки дангаса бўлса, иши юришмайди. Ишлаган — тишлайди, деган замон келяпти.

Ўйлайманки, Оила йилида бу борада ҳам жиддий силжишлар, яхши уринишлар ва фойдали натижаларга эришамиз.

Абдуманнон ПИРИМОВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

ПОКЛИК

Президентимиз оила ҳақида гапириб, кўп инсоний фазилатларимиз — ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик, аввало, оилада шаклланишини таъкидладилар. Бу жуда ҳақ гап.

Афсуски, айрим иллатларнинг илдизи ҳам бевосита оилага бориб тақалади.

Биргина ор-номус масаласини олинг. Оила муқаддас, деймиз. Муқаддаслигининг бош белгиси — эру хотиннинг поклиги, вафодорлиги эмасми? Очиқ тан олайлик, XX асрда бу жиҳатдан кўп улуғ анъаналаримизга путур етди. Ахир, номусга доғ туширган қизни келин қилган оила қандоқ муқаддас бўлсин?! Ёки унисини қўйиб, бунисини бағрига босиб юрган йигит бир пок қизни бахтли қила олармиди?

Никоҳсиз туғилган бола учун маънан ким жавобгар?

Яқинда телевидениеда СПИД ҳақида кўрсатув берди. Мамлакатимизда бу дардга чалинган бир неча ўн киши рўйхатга олинибди. Беморлар билан суҳбат ўтказилди.

Хўш, бу бало-қазо бизга қаердан йўлиқди? Бундай ёт иллатларга бепарво қараб туришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Оила йилида биз бу масалаларни ҳам бир миллий-маънавий муаммо янглиғ ўртага ташлашимиз, фарзандларимизни қадимий ва мўътабар анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашга ўта масъулият билан ёндашишимиз зарур.

Олим НАЗАРОВ,
журналист.

МАҚСАД БИР БЎЛИШИ КЕРАК

Ота-онанинг бурчларини санаб адо қилиш қийин. Лекин улар орасида икки нарсани алоҳида таъкидлагимиз келади.

Биринчиси — ота-она фарзандларининг саломатлиги учун жуда-жуда масъул. Ота-онанинг ўзига ҳам, жамиятга — давлатга ҳам соғлом йигит-қизлар керак.

Иккинчиси — болаларни меҳнатга лаёқатли, бирор касб-ҳунар эгаси қилиб тарбиялаш учун ҳам ҳаммадан бурун ота-она жавобгар.

Бу икки масала оилада юксак маданият даражасига кўтарилиши керак.

Тўрт қизимиз бор. Икки катта қизимиз ота касбида. Тиббиёт соҳасида ишлашяпти. Учинчи қизимиз она касбини ўрганяпти. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ўқийди. Кичкинамиз мактабда. Қўлимиздан келганича болаларимизни соғ-саломат, ақлли-ҳушли, меҳнатсевар, эл-севар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилиб келяпмиз. Президентимизнинг оила хусусида жон куйдириб айтаётган сўзлари бизни ниҳоятда руҳлантириб юборди. Оила келажагини ўйлаш мамлакат келажагини ўйлаш, деган гап.

Нодир ПАТТАЕВ,
Абу Али ибн Сино номидаги Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси олий тоифали врачи.

Манзура ИЛҲОМЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикасм Деҳқон қурилиши корпорацияси ишлаб чиқариш бошқармаси бош мутахассиси.

Муҳтарам газетхон!

Кўриниб турибдики, оила ҳар биримизнинг кўнглимизга яқин масала экан. Келинг, барчамиз яқинлашиб келаётган Оила йилида шу масала билан жиддий шуғулланайлик. Чунки оиласида бахтли инсонгина ўзини чинакам бахтли ҳисоблай олади.

Султонмурод ОЛИМ тайёрлади.

Хатлар, хатлар, хатлар

САМАРАЛИ САФАР

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг бир гуруҳ (36 киши) маҳалла оқсоқоллари Бухорои шарифга ташриф буюрдик.

Бухоронинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан амалга оширилган улкан ўзгаришлар, айниқса ободончилик ишлари, оқсоқоллар ва фаоллар фаолияти учун қулай шароитлар яратишга аҳамият берилаётгани бизда катта таассурот қолдирди. Бир қатор маҳаллаларда бўлдик. Айниқса, Бухоро туманидаги «Работ қалмоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда «Ибн Сино» маҳаллаларида ёшлар тарбияси, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни турмушга тайёрлаш, оила мустаҳкамлиги, оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бу соҳада улар фаоллигини кучайтириш, кам даромадли оилаларга аниқ мақсадли моддий ёрдам бериш борасида намунали ишлар қилинаётганлиги, 102 та маҳалла фаолияти тўғрисида видеокассета тайёрланганлиги диққатга сазовордир.

Тошкентдаги «Ўрикзор» ва Бухородаги «Ибн Сино» маҳаллалари ўзаро мусобақадош бўлишга келишдилар.

С. Оқмирзаев, Қ. Қодиров,
А. Асқаров, М. Даминов,
Тошкент шаҳри маҳаллаларининг раислари.

ЁЗУВЧИ-ИЖОДКОРЛАР ЯШАЙДИГАН УЙДА

Юнусобод даҳаси 17-мавзедаги кўп қаватли уйларнинг бирида истиқомат қиламиз. Аниқроғи, биз яшаб турган 21-уйни — «Ёзувчилар уйи» деб ҳам айтадилар. Чунки, радио-телевдение, газета-журналларда ишлайдиган ижодкорлар истиқомат қилади.

Уйимизга бекат, озиқ-овқат дўкони яқин. Бозор ҳам узоқ эмас. Аммо...

Ҳамма гап шундаки, саккиз мингга яқин аҳоли яшайдиган мавземизда тез-тез чироқ ўчиб туради. Худди эртаклардагидай «ўчди чироқ, ёнди чироқ»ни эслайсан киши. Йил давомида бундай ҳолатлар бир неча марта содир бўлди. Кўшни мавзеларда яхши. Мана шу ҳодиса шу йилнинг 4-5 декабрида ҳам такрорланди. Дастлаб, «ана ёнар, мана ёнар» деб ўзимизни анча овутдик. Бироқ эртаси куни эрталабгача ҳам ёнмади. Айниқса, мактаб ўқувчилари дарсларини тайёрламай хуноб бўлишди.

«Дўстлик» маҳалласи идораси ҳам шу мавзеда жойлашган. Маҳалла оқсоқоли фуқароларни асосан, кечқурунлари қабул қилади. Чунки, кўпчилик ишдан қайтгач маҳалла идорасига киради. Кимдир яшаш жойидан маълумотнома сўрайди, бошқа биров болаларига моддий ёрдам сўраб ариза беради. Чироқ ўчган кунлари бу юмушларнинг ҳаммаси битмаслиги табиий...

Бу ҳам етмагандай, уйнинг ертўласида иссиқ сув қувури ёрилганми ёки бошқа техник носозлик борми нуқул ертўла туйнукларидан бўғ кўтарилиб туради. Уй-жой ижара корхонаси ходимлари уй-жой ҳақини вақтида тўламасангиз уйингизга бориб бўлсада ундириб олади. Афсуски, улар юқоридаги ҳолатларнинг олдини олишга шошилмайдилар. Уларнинг асосий вазифаси шу эмасми?!

Азамат СУЮНОВ,
Юнусобод тумани.

ПУЛ ЭГАСИНИ ИЗЛАЁТИР

У қанақа пулки, ўз эгасини излаётган экан, деб ажабланманг. Муҳарририятимизга Наманган вилоятининг Косонсой шаҳридан меҳнат фахрийси Пардабой Бухоров йўллаган мактуб шундай номланган. Унга кўра ўттиз йилдан буён Косонсойдаги 89-автокорхонада автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган Абдуқодир Абдуллаев ўғли Исмоилжон Абдуллаев билан бирга Тошкентдан қайтаётиб, Наманган довонидаги ошхона олдидан 3000 билан 4000 сўм оралиғидаги пулни топиб олади. Шу ерда улар бир соат йўқолган пул эгасини суриштиришади. Аммо, пулнинг эгаси чиқмайди.

Мактубда борди-ю, шу пул эгаси чиқиб қолса, Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Навбаҳор кўчаси, 2-тор кўча, 38- уйда яшовчи Абдуқодирхон Абдуллаевга мурожаат қилсин, дейилган. Демак, йўқолган пул эгасини кутиб турибди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

ЮРТИМИЗДА АВТОМОБИЛЛАР КЎПАЙДИ



Республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз турмуш тарзини янада юксалтиришга йўналтирилгандир. Мамлакатимизнинг «ЎзDEWOOавто»корхонаси ана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлидаги энг катта, энг қудратли таянчлардан биридир.

Ҳозир кузатсангиз автомобиллар кўча-кўйларимизда чандон кўпайиб қолди. Илгари чет элларда аҳоли жон бошига нисбатан автомашиналар нисбати тўғрисидаги маълумотларни ўқиб ҳайратланардик. Энди ўзимизда истаган киши «ЎзDEWOOавто» машиналарини миниш имкониятига эгада бўлди. Бу, шубҳасиз, истиқлол берган жуда катта имкониятдир.

Юртимизда ўз автомобилларимиз кўпайгач, уларга техник хизмат кўрсатиш эҳтиёжи ҳам кўпайди. Бу эҳтиёжни қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги қарорига мувофиқ. «ЎзDEWOOавто» автомобилларига техник хизмат кўрсатиш тармоқларини яратиш ва уни такомиллаштириш тармоғи яратилди.

Асакадаги автозавод ишлаб чиқараётган енгил автомобилларни сотиш ва уларга замонавий техник хизмат кўрсатувчи — Самарқанд ҳудудий «Автотеххизмат» ҳиссадорлик уюшмаси ўз олдида турган муҳим вазифаларни уддалаб келмоқда. Биз корхонада бўлиб, дастлаб ишни нимадан бошлаганликлари ҳақида сўраганимизда, корхона раҳбари Акбар Ахтамов шундай деди:

Ўзбекистон автомобиль саноати тизимидаги Самарқанд ҳудудий «Автотеххизмат» ҳиссадорлик уюшмаси зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Биз Асака автозаводида ишлаб чиқарилган автомобилларни жисмоний ва юридик шахслар талабига кўра сотамиз ва уларга техник хизмат кўрсатамиз. Уюшма ҳудудида янги, замонавий автосалон биноси қисқа фурсатда қурилди. У эстетик жиҳозланиш ва дизайн бўйича республикада энг яхши автосалонлардан ҳисобланади. Корхонамиз қошида «Асакабанк» бўлими мижозларга хизмат кўрсатади. «ЎзDEWOOавто» автомобилларини сотиш бизда дастлаб 1996 йилнинг август ойида бошланди. Ўтган йилда 804 та автомобиль 340 миллион сўмга сотилган эди. Жорий йилнинг тўққиз ойидаёқ бу кўрсаткич ўтган йилдагидан ошиб кетди. Яъни, ҳозиргача 1550 та автомобиль 1 миллиард 113 миллион сўмга сотилди. Ҳозирнинг ўзида Самарқандда республикада энг катта бўлган биринчи автосалон ва 13 та автодўкон Асакадаги завод автомобилларини аҳолига сотмоқда. Бундан ташқари ишларимизни кенг кўламда олиб бориш ва автомобиль заводи «чаққон» бўлиши учун корхонамиз қошида маркетинг бўлими ҳам фаолият кўрсатяпти.

Ислоҳот ва масъулият

Автомобилларимизга намунали хизмат кўрсатиш учун «ЎзDEWOOавто» кенгашидан 165 минг долларга замонавий техник хизмат кўрсатиш асбоб-ускуналарини олдик. Бизда барча юмушлар замонавий техника-компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Корхонамиз қошида ўқув маркази очилган бўлиб, автоҳаваскор ва ҳайдовчилар «Нексия», «Дамас», «Тико» машиналари бўйича махсус курсда ўқишлари мумкин. Мутахассисларимиз Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Хоразм, Жиззах вилоятларидан келаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатмоқдалар.

Биз сўз юритаётган корхона аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги турларини ҳаётга фаол татбиқ қилиш мақсадида Самарқанд шаҳрига келган хорижлик саёҳатчиларга юртимизнинг ўтмиши билан қисқа фурсатда кўпроқ танишиш учун уларга «Нексия», «Дамас» автомобиллари ижарага берилади. Хорижга енгил машинада бориб саёҳат қилиб келишни истовчилар автотуристик ташкилотлар орқали биздан хоҳлаган муддатга, хоҳлаган русумдаги машиналарни ижарага олишлари мумкин. Бундай саёҳатчилар ўзбек автомобилларининг рекламасини ҳам, таъминлайди. Бу эса корхона иқтисодиётини мустаҳкамлашда қўл келмоқда.

Корхона бошқаруви раиси ўринбосари Анатолий Терлаев Жанубий Кореяда ўқиб келган мутахассисларимизнинг етакчисидир. У барча турдаги техник хизмат кўрсатишнинг белгиланган маъёрларда бўлишини назорат қилади. Корхонанинг Ислом Қурбонов, Асрор Сатторов, Ихтиёр Йўлдошев, Ражаб Сафаров, Бахтиёр Қулматов, Усмон Жунаитов, Бахтиёр Латипов каби қўли гул ишчи-хизматчилари меҳнати туфайли корхона мижозлари сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

— Анатолий Нуриддинович, сизларга мижозлар томонидан қандай эътироз ёки таклифлар бўлмоқда?

— Биз хизматни жуда қаттиқ назорат остида амалга оширмоқдамиз. Бунинг учун мижозларимиздан кўп бор ташаккур эшитамиз. Кўп жойлардан хизмат кўрсатиш доирамизни кенгайтириш борасида таклифлар бўлмоқда. Биз ана шу таклифлар асосида ишлаб чиқилган аниқ режага эгамиз.

— «ЎзDEWOOавто» машиналарини сотиб олаётганлар қандай имтиёзларга эга?

— Бу машиналар 2000 километр йўл босганга қадар бепул техник хизмат кўрсатилади. Бизда муддат бўйича 12 ойга, масофа бўйича 20 минг километрга кафолатли автотеххизмат кўрсатамиз.

— Эҳтиёт қисмларнинг етишмай қолиши каби ҳолатлар бўладими? Улар қандай ҳолатда сақланади?

— Ҳозир бизнинг замонавий омборларимизда 11 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар сақланади. Бу эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжни тўла қоплайди. Айтишим керакки, улар меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган тартибда сақланади. Вилоятимизнинг саккизта туманида корхонамизнинг шаҳобчалари фаолият кўрсатиб турибди. Бошқа туманларда ҳам шундай шаҳобчаларни очиш кўзда тутилган.

Корхонада маркетинг хизмати соҳасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Корхонага ёш, иқтидорли ташкилотчи, Акбар Ахтамов раҳбар бўлиб келгач, барча иншоотлардаги қурилиш ишларига суръат қўшилди, корхонанинг бошқа ташкилотлар билан алоқаси мустаҳкамланди. Мамлакатимиз ҳудудида, шунингдек айрим чет давлатлар автомобиль бозоридаги талаб-эҳтиёжлар синчиклаб ўрганилмоқда. Реклама-тижорат ишлари пухта йўлга қўйилган. Биз бу борада бошқа жойлардаги тажрибаларни ҳам ўрганиб чиқдик. Назаримда, бизнинг реклама услубимиз анча қизиқарлига ўхшайди. Биласиз, Самарқанд тарихий шаҳар, унга етти иқлимдан тинимсиз равишда сайёҳлар оқиб келади. Биз уларга «ЎзDEWOOавто» автомобилларида хизмат кўрсатамиз. Уларда юртимиз машиналарига нисбатан меҳр пайдо бўлади. Шундай имконият яратганмизки, чет элга саёҳатга чиқмоқчи бўлган юртдошларимиз Ватанимиз автомобилларида ҳам йўлга чиқишлари мумкин. Улар қаерга борсалар машиналаримизни реклама қиладилар.

Таъкидлаш керакки, бу ерда қишлоқ хўжалигига мослашган «ЎзDEWOOавто» машиналарига бўлган талаб ҳам ўрганилмоқда. Фермер-деҳқон хўжаликлари фаолияти учун зарур бўлган турли мавсумларга мослаштирилган енгил ва оғир юк ташувчи автомобилларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун бир қатор ишлар қилинмоқда.

Ўткир ПЎЛАТОВ.

Суратларда: 1) Ҳиссадорлик уюшмаси бошқаруви раиси Акбар Ахтамов. 2) Сайёр техник хизмат кўрсатиш пайти.

Ҳар кимки ёмон бўлса — жазо топқусидир!

ҚЎЙНИГА «ИЛОН» СОЛГАН АЁЛЛАР

Йўловчилар — манзил сари ошиқаётган кишилар. Уларнинг вужудини борар жойимга барвақтроқ етиб олсам, уйимга тезроқ борсаму болаларимни ёки ота-онамни кўрсам деган эзгу ният қамраб олган. Бироқ, мана шу йўловчилар орасида гоҳида шундай бир тоифа кишилар ҳам учрайдики, уларнинг юриши бошқача, туриши ғалати, турқидан гўё ўзи ҳам қўрқиб кетаётгандек ҳадиксирайди. Атрофга олазарак боқиб, бировлардан шубҳаланади. Айниқса формали кишиларга кўзи тушиб қолса, шартта ўзини пана жойга олишга, жилла қурса улар кўзидан узоқроқ юришга интилади.

Республика Ички ишлар вазирлиги Нақлиёт ички ишлар бошқармаси ходимларининг зийраклиги туфайли бундай безовтақалб кишиларнинг аксарияти текшириб кўрилмоқда. Бўйнида айби борнинг оёғи қалтирайди, деганларидек, гумонсираган шахсларнинг аксарияти бирор бир ножўя ишга алоқадорлиги, кўп ҳолларда эса ёнида гиёҳванд моддаси олиб юрганлиги боис қўлга олиниб қилмишига яраша жазога тортилмоқдалар.

Яқинда Самарқанд тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари ўттиз яшарлар атрофидаги жувоннинг ҳаракатидан шубҳаланишиб, уни текшириб кўришганида бу аёлнинг пешонасидан совуқ тер қуйилиб кетди. Негаки, шу дам унинг қўйнидаги «илони» — 1 кило 250 грамм қорадориси нақд юрагига заҳрини сочганди.

Сири фош бўлгач, каловланиб бўлса-да ўзини Пастдарғомданман дея зўрга таништирган Гулнора исмли бу жувон қўйнидаги заҳри қотилнинг дастлаб ўзига бемаврид заҳар солишини билганида уни кўтариб юрмаган бўлармиди. Начора, ёши ўттизга кирса-да, гиёҳванд модда билан шуғулланишнинг ёмон оқибатини ўйламаган бу аёл энди қилмишига яраша жазо олади.

Урганч темир йўл бекати ходимлари ҳам Андижон — Самара поездига чиқаётган йўловчилар орасида ўзини кўздан панага тортишга уринаётган қизнинг бежо ҳаракатидан шубҳаланиб қолишди. Дарҳол унинг изидан тушишиб, батафсилроқ танишмоқчи бўлишганида унинг ранги қув оқариб кетди. Кейин маълум бўлишича қизнинг қўйнидаги 100 граммга яқин қорадори ўз таъсирини кўрсатиб, иссиғини чиқариб юборган экан.

Урганч шаҳрининг Баҳодирхон кўчасида яшовчи бу «ботир» қизнинг исми Инесса К. бўлиб унинг ушбу гиёҳванд моддани қаердан олганлиги ва қаёққа олиб кетаётганлиги аниқланмоқда.

Қўқон шаҳридан Москвага бораман, дея йўлга отланган бир кам қирқ ёшли Лобархон исмли аёлнинг сафари ҳам бехосдан Тошкентда қарийдиган бўлди. Сабаби бу «опахон»нинг қўйнидан ҳам «қора илон» чиқди. «Вой башаранг қурғурлар, мени бунақа текширишга уялмайсизларми, дея ўзини фариштасифат қилиб кўрсатишга уринган Лобархонни, ўзи талаб қилганидек аёл киши текшириб кўрди. Шунда бутун ишлари чаппа кетаётганидан ташвишга тушиб, типирчилаб қолди. Албатта, бу безовталик бежизга эмас эди. Унинг кийимлари орасига яшириб қўйилган 547 грамм «қорадори» ва 4,5 грамм миқдоридаги гашиш моддаси уни шу кўйга солганди.

Хуллас. бу қабиҳ иллат — гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси ва ташиш билан шуғулланаётганлар орасида аёл кишиларнинг тез-тез учраб тураётгани кишини ташвишга солади. Ахир бугунги кунда минглаб онахону опа-сингилларимиз юртимиз келажаги йўлида тинимсиз меҳнат қилишаётган бир маҳалда Лобар, Гулнора ва Инесса сингари айрим аёлларнинг бу номаъқул ишга боши билан шўнғиб кетишаётгани нақадар аянчли. Устига устак уларнинг турли баҳоналарни рўкач қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини чалғитишга уринишлари, икки оёғи бир этикка тиқилиб қолганда эса «вой дод, мен қамаладиган бўлсам беш-олтита боламнинг ҳоли нима кечади» дея зорланишлари қалбни эзади. Бироқ, энди кеч. Вақт ўзлари ўтирган поезд сингари тўхтаб турмайди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция катта лейтенанти.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Грузия парламентининг навбатдан ташқари мажлисида мамлакатнинг МДҲ таркибидан чиқиши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинмоқчи.

x x x

Американинг Миссисипи, Алабама ва Луизиана штатларида жуда кўп қор ёғди. Айрим туманларда одам бўйи баробар қор ёққанлиги хабар қилинади.

x x x

Оқ уйдан хабар қилишларича, АҚШ Президенти Билл Клинтон Рождество байрами арафасида Босниядаги Америка ҳарбий хизматчилари ҳузурига боради.

x x x

АҚШ Президенти Клинтон Ирландия бош вазири Ахерн билан учрашувда Шимолий Ирландиядаги вазиятни бартараф этиш учун тўпланган музокара иштирокчиларини ҳар бир муаммо устида алоҳида тўхталиб ўтишга чақирди.

x x x

Тожикистон ҳукумати республиканинг авиалайнери Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудида ҳалокатга учраши натижасида ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳар томонлама ёрдам беради, деди Бош вазир Азимов.

x x x

Германия полицияси фирибгарлик орқасидан 10 миллион доллардан зиёд пул ишлаб олган иккита жиноятчини Гамбург шаҳрида ҳибсга олган.

x x x

Италия ташқи ишлар вазири Ламберто Дини бир кунлик ташриф билан Белградга келди. Ташриф давомида Болқон ярим оролидаги хавфсизлик, икки томонлама аньанавий муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

x x x

Франция Президенти Жак Ширак расмий ташриф билан Абу-Дабига келди.

УФОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Бразилиада уфологларнинг биринчи умумжаҳон анжумани якунланди. Унинг иштирокчилари дунё мамлакатлари ҳукуматларини инсоннинг номаълум учувчи жисмлар (НУЖ) билан дуч келгани ҳақидаги архив материалларни кенг жамоатчиликка маълум қилишга даъват қилди.

Парижда Фаластин Муҳторияти иқтисодиётини тиклаш масалалари бўйича йиллик конференция якунланди, деб хабар беради «Ассошиэйтед Пресс» матбуот агентлиги. Бутун жаҳон таъмирлаш ва тараққиёт банки томонидан ташкил этилган ушбу конференция ишида АҚШ, Исроил, Европа Иттифоқи, Япония ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари иштирок этишди. Ғарбий қирғоқда ва Ғазо секторида 20 та объект қурилишига 3,5 миллиард доллар маблағ ажратилди. Ушбу маблағ грант ва кичик фоизли заёмлар усулида мамлакатга етказиб берилади. 500 миллион долларни эса Фаластин шу йилнинг охирига-ча олади. Фаластинлик вакилнинг айтишига кўра, ушбу конференция иқтисодий даражадаги тинчликни ўрнатишга хизмат қилади.

x x x

Ушбу йилнинг ноябрь ойи Япония компаниялари учун ўта оғир келди, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги. Чунки ноябрь ойида Японияннинг 1,5 мингдан зиёд компаниялари банкротга учраши мумкин. Уларнинг қарзи 2 триллион иендан ёки 15,5 миллиард доллардан зиёддир. Бинобарин, ушбу рўйхатда иккита ўта йирик банкротлик натижалари кўрсатилмаган. Мамлакатдаги ўз обрў-эътиборига кўра, 10-ўринда турадиган «Хоккайдо Токусёку» ва тўртинчи ўринда турадиган «Ямаити Секьюритиз» брокерлик компанияси шулар жумласидандир. Худди ана шу иккита банкротлик ноябрь ойини Япония иқтисодиёти учун «қора ой» деб аташга имкон беради. Иқтисодчиларнинг фикрича, Японияннинг ҳозирги молиявий тизими жуда бўшашиб кетган. Ҳали яна кўплаб компаниялар банкротга учраши мумкин.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Европа Иттифоқи Эстония ҳукуматининг мамлакатда истиқомат қилаётган, бироқ Эстония фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларига фуқаролик ҳуқуқини бериш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади. Маълумки, яқинда Эстония ҳукумати ушбу масалани эътиборга олган ҳолда мамлакат қонунига ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиб, бу ҳақда мамлакат парламентига мурожаат этишга қарор қилган эди.

Айрим сиёсатчилар мазкур ташаббусни Европа Иттифоқининг яқинда Люксембургда бўлиб ўтган саммитининг Эстонияга доир қарори билан боғламоқда. Маълумки, мазкур қарорга мувофиқ, Эстониянинг иттифоққа кириши юзасидан расмий музокаралар келгуси йил апрель ойидан бошланади.

ҲАЙДОВЧИЛАР, ОГОҲ БЎЛИНГ!

Австрия парламенти қонида муайян миқдордан зиёдроқ даражада алкогол борлиги аниқланган ҳайдовчилар учун 5 минг шиллинг (4,5 минг АҚШ доллари) миқдорида жарима белгилади.

ТЕКШИРИШГА РОЗИЛИК БЕРИЛМАЯПТИ

Ироқ ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти махсус комиссияси вакилларининг мамлакатдаги стратегик иншоотларни текширишига ҳамон розилик бермаяпти, дейилади мазкур комиссия раҳбари Ричард Батлер баёнотида. Унинг айтишича, Ироқ раҳбарияти мамлакатда кимёвий, бактериологик қуролларни ишлаб чиқариш ва сақлаш дастури бўйича ҳам ҳеч қандай янги маълумотлар бермаган.

Лекин, Ироқ ҳукумати вакили Ҳисом Муҳаммад Амин мазкур «айбнома»га қарши ўлароқ, БМТ комиссияси мамлакатдаги 13 та ҳарбий иншоотни текширувдан ўтказгани ва бу ҳаракатлар Бағдод маъмурияти билан ҳамкорликда ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилгани тўғрисида баёнот берди. Ироқ ҳукумати вакилининг баёнотида қайд этилишича, ҳозиргача мамлакатда текширувдан ўтказилган бундай объектлар сони 370 тага етган.

Ватанимиз дўстлари

ДОНАЛД КАРЛАЙЛ — ИНСОН ВА СИЁСАТШУНОС ОЛИМ

Мен Ўзбекистоннинг советлар истибдоди даври ва замонавий тарихи бўйича бир қатор китоблар, мақолалар муаллифи, Марказий Осиё муаммолари бўйича Америка Қўшма Штатларининг таниқли мутахассисларидан бири бўлмиш доктор Доналд Карлайл билан кўп марта учрашиш ва мулоқот қилиш шарафига муяссар бўлганман. У Тошкентга сўнгги марта 1995 йилнинг ёзида келган ва каминага «Ўзбекистон ва Марказий Осиё: истиқболдаги ўтмиш ва бугун» деган китобининг қўлёзмасини совға қилган эди. Китоб, асосан, большевизм мустамлакаси давридаги яқин тарих ва мустақилликдан кейинги даврни ўз ичига қамраб олган бўлиб, у ўз таҳлил кучи, воқеаларни четдан кузатаётган кишининг теран нигоҳи, баъзида ўзимиз оддий ҳол деб биладиган нарсалардан кутилмаган ва ўзига хос хулосалар чиқара билиш маҳорати-ла йўғрилгани билан ҳам қимматли эди.

Германиялик олим Л.Левитин «Ислом Каримов - янги Ўзбекистон Президенти» китобида мамлакатимизнинг яқин ўтмишини ва айни жараёнларни таҳлил қилишда Д.Карлайлнинг ўша китобидан қайта-қайта иқтибослар келтиргани ҳам бежиз эмас.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда кечаётган жараёнларнинг асл сабабларидан яхши бохабар бўлган бу куюнчак инсон Европа мамлакатлари, айниқса, Америка Қўшма Штатларида мамлакатимизга нисбатан бўлаётган ноҳақ ва тенденциоз муносабатдан қаттиқ ташвишда эди. Чунки Марказий Осиё минтақасидаги воқеаларни таҳлил этаётган киши хоҳ журналист бўлсин, хоҳ сиёсатшунос бўлсин, уларнинг замирига Д.Карлайлчалик теран кириб бора олмас, узоқ ва яқин тарихдан у каби мукаммал даражада бохабар эмас эди. Шунинг учун ҳам уларга муносабат билдиришда умумий тенденцияни ёриб чиқиб кета олмас эди.

Бунинг ўзига яраша объектив сабаблари ҳам бор, албатта. Ўзбекистон ҳақидаги ахборот Европа ва Америкага иккинчи, ҳатто, учинчи манбалардан чалакам-чатти, қўшилиб-чатилиб етиб борар, жамоатчилик эса ахборот олишнинг муқобил манбалари бўлмагани учун ўшандай иккиламчи, учламчи хабарлар билан кифояланишга мажбур эди. Бу муаммо Америка Қўшма Штатларининг Марказий Осиё ва Кавказорти минтақасига қизиқиши тобора кучайиб бораётган ҳозирги кунда ҳам тўла бартараф этилгани йўқ.

Президент Ислом Каримов ҳам ўтган йилнинг июнида Вашингтондаги АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашуви пайтида ахборот тақчиллиги бартараф этилиши лозимлигини бот-бот такрорлаган эди. Мавжуд алоқаларни ўша сафар чоғида тамал тоши қўйилган стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш учун, аввало, ўша муаммони ҳал этиш керак бўлади. Албатта, бу борада муайян ишлар қилиняпти. Аста-секин ўзаро муносабатларга илиқлик югура бориб, мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонаси очилганида ҳаммадан кўп қувонган америкалик, шубҳасиз, Д.Карлайл бўлди. У худди ёш боладай, мана, кўрдингми, барибир, менинг айтганим бўлди, ўша кун келди, дейишини қўймас эди.

Дарҳақиқат, ўша кун келди. У 1996 йилнинг 25 июни эди. Ўша куни Ислом Каримов Оқ уйда Билл Клинтон билан учрашган, кечқурунга бориб эса, эслатиб ўтганимиздай, Вашингтон шаҳрида элчихонамиз очилган эди. Унинг очилиш маросимида Клинтон маъмуриятининг казо-казо амалдорлари иштирок этди. Бу эса икки томонлама муносабатларда туб бурилиш юз берганини кўрсатар эди.

Сир эмаски, ҳар бир давлатнинг ўзига хос тараққиёт йўли бор. Оёққа турaётган ҳар бир давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш учун, яъни демократия қарор топиши учун аввало, уларнинг яшаш ҳуқуқини таъмин этиш керак бўлади. Буни теран англаган Д.Карлайл зикр этилган китобида: «Биз аввалбошданоқ Марказий Осиёда демократия ва тараққиётнинг Ғарбий Европа модели тадбиқ этилишига қарши фикр билдирган эдик. Биз, асосан, Ғарбий Европа ва Америка тажрибаларига асосланган миллат ва миллатчилик, демократлар ва демократия хусусидаги, фақат мана шу Ғарб тажрибасини айни вазиятда қўллаш мумкин ва у Марказий Осиё шароитида такрорланиши лозим, деган догматик қарашларни илгари суриш номақбул, деб ҳисоблаймиз...» деб ёзади. Демократия ҳақида шунга ўхшаш фикрларни машҳур сиёсатшунос С.Хантингтон ҳам айтган эди. Д.Карлайл Ғарб олимлари ўртасида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонда демократия принципларини жорий этиш иши маҳалла муассасасига таяниши лозимлигини илгаган эди.

Д.Карлайл шунинг баробарида минтақа бугунги кунининг чигал муаммоларига ечимни кўпчилик синчиклар сингари Ғарбдан, хусусан, унинг демократик давлатчилик анъаналаридан эмас, маҳаллий шароитнинг ўзидан, тарихдан, жуда нари борса, минтақа атрофидаги цивилизациялар вужудга келтирган тизимлардан излар эди.

Демак, маълум бир минтақадаги воқеаларга, жараёнларга баҳо берганда, ечим излаганда муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда иш юритиш лозим бўлади. Буни мутахассис сифатида Д.Карлайл ҳаммадан олдин кўра билган эди. Тўғри, фан оламида бундай қарашлар янгилик эмас. Аммо «союз» (Д.Карлайл сўзи) парчаланиб, ўрнида мустақил давлатлар пайдо бўлгач, ҳамма уларга қайси йўлни танлаш борасида ақл ўргатиш, ўз қолипини тиқиштириш, «катта оғалик» даъво қилиш билан банд бўлган кезлар бундай соғлом фикрлаш, адашган оқимга қарши бориш учун олимга билим ва тажриба баробарида ирландларга хос ижобий маънодаги бир ўжарлик ҳам керак бўлган эди.

Д.Карлайл ўзбекларга, Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббатини, самимий муносабатини, ишончини ҳеч қачон йўқотмади. Ҳатто, устидан советларнинг контрпропаганда машинаси, унинг мақолаларини чала-чулпа ўқиган ёки умуман ўқимаган айрим ватандошларимизнинг қўли билан мағзава ағдарганда ҳам ҳақиқатни айтишдан, ёзишдан чарчамади. Агар биз унинг ўзимиз ҳақимизда ёзганларини ўша вақтларда ўқиш имконига эга бўлганимизда кўзимиз эртароқ очилармиди? Бугунга келиб, миллатнинг қаддини кўтариш бунчалик қийиб-пишишга ҳожат қолмасмиди?

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин эса у бор куч-ғайратини икки мамлакатни, икки халқни яқинлаштиришга, бир-бирини яқиндан билиб олишдай савобли ишга сарфлади...

Ўтган куни Америкадан бир қайғули хабар келди. Халқимизнинг қадрдон дўсти, Бостон коллежининг профессори ва Гарвард университетининг илмий ходими, машҳур сиёсатшунос олим Доналд Карлайл 67 ёшида оламдан ўтибди. Бу хабар унинг ёру биродарлари баробарида бир таниши бўлган мени ҳам чуқур изтиробга солди.

Ҳали унинг қиладиган ишлари кўп эди.

Профессорнинг Массачусетс технология институти, Гарвард университети билан Тошкентдаги олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш, домлалар ва талабаларни айирбошлаш, бу ерга келиб лекциялар ўқишга оид кўпдан-кўп режалари бор эди. Афсуски, бевақт ўлим унга режаларини амалга оширишга имкон бермади. Начора, бандалик, ўлим ҳақ.

Ҳаёт эса тўхтаб қолмайди. Д.Карлайл бошлаган ишларни эртага кимдир давом эттиради. Лекин миллат, Ватан ўзининг қадрдон дўсти хотирасини ҳеч қачон ёдидан чиқармайди.

Бирор миллатни яхши кўрган кишини Оллоҳ қиёмат куни ўша миллат сафида тирилтиради, деган мазмундаги ҳадис бор. Вассалом.

Фахриддин НИЗОМ.

РЕКЛАМАДА — ГОРБАЧЕВ

Британиянинг машҳур «Пицца-хат-ю-кей» компанияси маркетинг бўйича директори Гери Хайнинг хабар беришича, собиқ иттифоқ президенти Михаил Горбачев мазкур фирма маҳсулотларини реклама этиш бўйича тузилган шартномага имзо чеккан.

Реклама ролигини тасвирга олиш ишлари якунланди. Горбачев Москва ресторанларининг бирида иссиқ пицца билан тасвирга тушди.

Гарчи гонорар миқдори эълон қилинмаган бўлсада, айрим маълумотларга кўра, унга 1 минг фунт стерлингдан ортиқроқ ҳақ тўланар экан. Шу кунгача бундай йирик миқдордаги ҳақни Памеле Андерсон, Линде Евангелисте, Синди Кроуфорд каби дунё миқёсидаги «юлдуз»ларгина олишга муваффақ бўлган. Мазкур рекламани январ ойидан бошлаб кенг кўламда намойиш этиш мўлжалланмоқда.

БУ САФСАТА ЭМАС

Машҳур террорчи Ильич Рамирес Санчес устидан бўлиб ўтаётган суд жараёни узоқ давом этмоқда. Суд Санчеснинг ўз айбига иқрор бўлмай, уни қўйиб юбориш ҳақидаги талабини қондирмади. Карлос Шоқол лақабли ушбу профессионал революционер сиёсий йўналишда кўплаб кишиларни ўлдирган. У бундан ташқари 1975 йили нефть саноати вазирларини ўғрилаб кетган. 1976 йилда эса Фаластин озодлик ташкилоти жангарилари билан биргаликда Угандага йўл олган француз авиалайнерини ўғрилаган. Шу кунларда Санчесга иккита француз разведкаси айғоқчисини ўлдириш айби қўйилмоқда. Жазо эса аниқ. Иккита ўттиз йиллик муддатли қамоқ жазоси.

x x x

Шимолий кореялик икки дипломатнинг Катманду аэропорти божхонасида қўлга туширилганлигини эълон қилган эдик. Улардан юз килограмм олтин олиб қўйилди. Унинг нархи бир миллион Америка доллари. Ҳозирча Непаль ҳокимият органлари дипломатларнинг номини айтишмаяпти. Лекин шуниси маълумки, улар юқори даражадаги оилавий жуфтлик. Бундай воқеалар Непаль ҳудудида илгари ҳам бўлиб ўтган. Шимолий кореялик фуқаролар дипломатлик паспортларини олиб юриб, яширин равишда олтин, электр асбоб-ускуналари ва бошқа техника воситаларини ўғрилаб кетаётганда қўлга тушишган.

АЙБНОМА РАД ЭТИЛДИ

НАТО бош котиби Хавьер Солана собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал бош прокурори Луиза Арбурнинг Босниядa фаолият кўрсатаётган Француз тинчликни сақлаш кучларига қўйган айбномасини рад этди. Шунингдек, у Луиза Арбурнинг бу чиқиши бевосита НАТОни ҳам айблаш эканини айтди.

Маълумки, Луиза Арбур Француз тинчликпарвар кучларини Босниядаги ҳарбий жиноятчиларни яшираётганликда айблаган эди.

НАТО Бош котиби Босниянн барқарорлаштириш кучлари сафида ҳаракат қилаётган Франция вакиллари «Оғир шароитларда шарафли миссияни мардона бажараётганини» таъкидлади.

Балиқхўр қушлар.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Империя сиёсий разведкаси архивидан

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори.
Рустам ШАМСУДДИНОВ,
Андижон Давлат университети профессори,
тарих фанлари доктори.
Поён РАВШАНОВ,
Қарши Давлат университети проректори,
профессор.

ЖАДИДЛАР ВА РУС ДЕМОКРАТЛАРИ

Россиянинг Туркистондаги сиёсий разведкаси ва маҳфий полицияси ҳисобланган Туркистон район муҳофаза бўлими — ТРМБ архивида ўлкадаги миллий озодлик ҳаракати ҳамда унинг арбоблари ҳақида муҳим маълумотлар сақланади. Шу билан бирга бу архивда жадидлар билан рус демократларининг иттифоқи хусусида ҳам талайгина ахборотлар мавжуд. Ўзбекистоннинг янги тарихи биринчи жилдидан шу мавзуга бағишланган бобдан айрим саҳифаларни диққатингизга ҳавола қиламиз.

Ғаройиб мактуб

1909 йил ёз кунларининг бирида граф Лев Толстой ўз номига келган мактублардан бирига алоҳида диққатини қаратди. Буюк ёзувчи Саратовдан келган бу мактубни қайта-қайта ўқиди. Толстойни ундаги фикрлар чуқур ўйга солди.

«Ҳурматли Лев Николаевич! — деб бошланган эди бу мактуб.

— Мен Сизни безовта қилишни хоҳламасам-да, ушбу мактубим орқали «ёвузликка ёвузлик қилмаслик» ҳақидаги саволга жавоб олиш учун мурожаат этдим. «Ёвузликка ёвузлик қилмаслик» сўзсиз, ҳақиқат эканлигини эътироф этсамда, қуйида келтирилаётган воқеадан кейин қандай ҳаракат қилиш лозимлигини билмайман. Ёвузликка ёвузлик билан жавоб бермаслик нафақат мен амал қиладиган Ислом дини ва дунёқарашига, балки Инжил ва Таврот талабларига ҳам тўлиқ мос келади. Менимча, «ёвузликка ёвузлик қилмаслик»нинг асосида «агар бирор киши қандайдир ёвузлик қилса, бу билан битта ёвузлик содир этиладди, агар мен ўша ёвузликка қаршилик қилсам ва қасос олсам, табиийки бунинг оқибатида битта ёвузлик ўрнига иккита ёвузлик содир этилган бўлади. Агар мен қаршилик қилмасам, битта ёвузлик кўпаймайди, битталигича қолади» — деган ҳақиқат ётади. Шундай қилиб, қаршилик қилмаслик ва бошқа йўллар билан ёвузликни иложи борича камайтириш керак деган хулоса чиқади. Фараз қилайликки, мен қандайдир бир кишининг бутун бир уйни, шаҳарни ёқиб юбориш ёки пароходни ҳалокатга учратиб, сўзсиз ўнлаб-юзлаб ва минглаб кишиларнинг ҳалок бўлиши керак бўлган катта ёвузлик қилмоқчилигидан хабардорман. Инсонийлик нуқтаи назаридан қараганда, мен оғоҳлантирувчи чоралар кўришим лозим. Аммо, ёвузлик қилмоқчи бўлган кишини йўқ қилмасликдан бошқа чорам бўлмас.

1

Менинг ёвузлигим минглаб кишининг қутқарилиши туфайли олди олинган жуда катта ёвузлик олдида ҳеч нарса эмас. Мен ўзимнинг ҳаракатимни ёвузлик деб эмас, ёвузликни олдини олишнинг ягона йўли деган бўлар эдим.

Менинг фикрим шундай, унинг тўғри ёки нотўғри эканлигини билмайман, шунинг учун ҳам Сизга мурожаат қилишга жазм этдим.

Шарҳингизни раво кўрсангиз, абадул абад Сиздан миннатдор бўлар эдим.

Менинг турар жойим: Саратов шаҳри, Юренков пассаж-уйи, ҳуқуқшунослик бўлими, Хўжаев Убайдулла Асадуллаевичга,

Сизга сидқидилдан содиқ мусулмон

Уб. А. Хўжаев.

1909 йил. 28 май.

Саратов ш.»

Граф Толстой чуқур ўйга чўмди. Сўнг қўлига қалам олиб, бу мактубга жавоб ёза бошлади.

«Убайдулла Асадуллаевич.

Сиз мендан сўрабсизки, бир кимсанинг кўп одамларга ёвузлик қилиш нияти маълум бўлса, у тақдирда қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотни тан олган киши нима қилиши керак? Кўпчилик ҳалокатини олдини олиш учун, ёвузликни ўша бир кишига нисбатан қўллаш маъқул эмасми?

Авф этасиз, саволингиз, кўпларнинг шу хилдаги саволлари сингари ҳақиқатни билиш истагидан эмас, аксинча, ҳақиқат деб ҳисоблаган нарсани адо этмасликни оқлаш истагидан келиб чиққан. Инсонга меҳр-муҳаббат ҳақидаги таълимот қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига олиб, у инсон интиладиган идеални билдиради. Идеални таомилнинг оддий қоидаси деб билиш эса катта хато ёки ўз-ўзини алдашдир. Бу ҳаётда ҳеч қачон тўла эришиб бўлмайдиган етук камолотни талаб этувчи идеалгина идеал бўла олади. Лекин у ҳаётга раҳнамо сифатида зарурдир, ҳаётда эришиб бўлмайдиган ана шу камолатдан дарак бергандагина зарурдир. Меҳр-муҳаббат идеали ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббатни талаб этиш — ҳеч вақт тўла адо этиб бўлмайдиган нарсадир, шунинг учун уни адо этишга интилиш ҳам керак эмас деган мулоҳаза менга компас тутган шундай бир одамни эслатади: манзилга тикка бор деб унинг қўлига компас тутқазганлар, компас кўрсатган тўғри йўлда эса, ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар бор, шу сабабли компасга риоя қилиб ўтирмай, бошим оққанча четга қараб кетаверишим мумкин, деб туриб олади. Қаршилик кўрсатмасликни ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббат масаласида эса компас доимо нима қилиш кераклигини (сайёҳга йўналишни) кўрсатадиган ахлоқий-диний тўйғудир: одамнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган оқибатлар эса ҳеч қачон унга аён бўлмайди. Шунга кўра, сайёҳга компас кўрсатган тўғри йўналишга мумкин қадар яқинроқ юриш бирдан-бир раҳнамо бўлганидек, ахлоқий идеалга мумкин қадар яқин бўлишга интилиш — инсон учун бирдан-бир раҳнамо бўлиши керак.

(Давоми бор).

2

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 18 dekabr, payshanba № 148 (22.231).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0808

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

КУЧЛИЛАР БИЛАН ТЕНГЛАШИБ

Олмониянинг Бад-Виза шаҳрида шахмат бўйича қизиқарли халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Дона суриш баҳсларида жаҳоннинг турли шаҳарларидан тўпланган 300 дан зиёд шахматчи ғолиблик учун курашди. Уларнинг 60 нафари гроссмейстер бўлгани учун ҳам мусобақалар қизғин тус олди. Бундай нуфузли мусобақада иштирок этган умидли шахматчимиз, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳам бўш келмади. У тўққиз имкониятдан 7,5 очко тўплади. Бу Рустамга учинчи фахрли ўринни эгаллашга имконият берди.

ҚИЗЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Маълумки, футбол энг севимли ва оммавий спорт турларидан саналади. Кейинги пайтларда футболчи қизларнинг майдонга тушиши кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Хотин-қизлар футболи мамлакатимизда ҳам йўлга қўйилган ва тез ривожланмоқда. Вакилларимизнинг Осиё чемпионати саралаш ўйинларини муваффақиятли ўтказиб, финал босқичга йўлланма олишгани ҳам бу борада ютуқларимиз борлигидан нишонадир. Осиё чемпионатининг ҳал қилувчи ўйинлари бу сафар Гуанжоу шаҳрида ўтказилди. Жамоага бир вақтлар чим хоккей бўйича «Андижанка» қизларига мураббийлик қилган Мирон Ким бошчилик қилмоқда. Футболчиларимиз дастлабки учрашувни Филиппин жамоаси билан ўтказиб, 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Хитой ва Жанубий Корея футболчилари билан учрашувда эса бир хил — 1:8 ҳисобида мағлубиятга учради. Хитой-Филиппин учрашувида 16:1 ҳисоби қайд қилинган бўлса, Қозоғистон-Корея ўйини 11:0 билан тугади. Японлар эса ҳатто 21:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Бугун Тошкентдаги «Чилонзор» ўйингоҳида Ўзбекистон кубоги учун ярим финал ўйинлари бошланади. Бош соврин учун «Андижанка», «Тошкент», «Қирқиз», «Гўзал» жамоалари ўзаро баҳслашади.

Спорт

УМР КИТОБИДАН САҲИФАЛАР

Ҳовридан тушиб қолган, сокин оқаётган Амударёнинг Понтон кўпригидан ўтиб, Беруний тумани заминига қадам босдик. Қуёш уфққа йўналган пайтда Нукус шаҳрига етиб келдик. Шаҳарга биринчи келишимиз, одамлардан китоб савдоси идораси қаёқда эканлигини сўраб ўтирмай, вокзалдан қўнғироқ қила қолдик.

Шаҳар четидаги кенгликларда жойлашган китоб савдоси идорасига етиб келганимизда ёши олтмишлардан ошган, йитон китоб савдоси ташкилотининг раҳбари.

Бугунги иши — китоб савдоси муаммолари ҳақида гап бошланар экан, бизнинг диққатимизни бир газетага қаратди. Шу йилнинг 9 май куни Қозоғистонда нашр этилган «Қозоқ эли» ҳафталик газетаси экан. Ойназар Кунназаров билан суҳбат босилган бу газетада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кўп маҳкамалар ёпилгани, меҳнат жамоалари сони қисқариб кетгани, бир қисм тармоқлар, хусусийлаштирилаётгани ҳақида гап боради. Бироқ Қорақалпоғистон китоб савдоси идораси жамоаларни аввалги ҳолатда — қисқартирмай, тармоқдаги дўконларни ёпмай ишлаб келмоқда. Бунинг сири нимада?

Орамиздаги одамлар

— Буни сир тутадиган жойи йўқ, — деди Ойназар оға. — Бозор сиёсатини тўғри англаб етиш ёки тўғри тушуниш — демак, ишни тўғри ташкил этиш демак. Бизда китоб савдоси очиқ турдаги давлат акционерлик уюшмаси сифатида қайта қурилди. Акциянинг 49 фоизи ўзимизники, 26 фоизи давлат мулк қўмитасиники, 15 фоизи «Қорақалпоғистон» ва «Билим» нашриётларининки, 5 фоизи матбаа корхоналариники, қолган 5 фоизи эса эркин савдода сотилди. Акционерлик уюшмамизда 15 та китоб дўкони бўлиб, уларнинг бари фақат китоб савдоси билан машғул. Китоб савдосида қандай муаммолар пайдо бўлса, ҳар душанба куни ўказиладиган умумий йиғилишимизда муҳокама қиламиз. Кўп ҳолларда одамлар гавжум бўладиган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётган жойларда дарҳол китоб савдосини уюштирамиз. Қайси китоб қайси шаҳар ёки ташкилотда яхши сотила бошланса, шу китобларни ўша ерга зудлик билан етказиш тараддудини кўрамиз.

Ўзбекистон ҳукуматининг болалар китоблари ва дарсликларни арзонлаштириш борасидаги ғамхўрликларини ҳар доим ҳис қилиб турибмиз. Айниқса, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Қорақалпоғистон халқларига ёрдам тариқасида мактаблар, қишлоқ кутубхоналари, китоб жамғармаларини тўлдириш учун ҳар йили 2-3 миллион сўм миқдорида маблағ ажратаётгани бизни мамнун этмоқда. Бироқ бундай маблағлардан биздаги қозоқ мактаблари ва уларнинг кутубхоналари фойдалана олмаётир. Чунки бизда қозоқ тилидаги адабиётлар етишмайди. Бу ўринда аҳволни яхшилашга фақат Қозоғистон ҳукумати ва таълим вазирлигининг ёрдами керак. Тўғри, ҳозир «Ўзбекистон» нашриёти қозоқ мактаблари учун дарслик чоп этишни йўлга қўймоқда. Бироқ кутубхоналарни қозоқ тилидаги бадиий адабиётлар билан таъминлаш вазифаси барибир ҳал бўлмай, очиқ қолмоқда.

— Биз китоб дўконларини ҳозиргача сотганимиз, яъни хусусийлаштирганимиз йўқ, — деди Ойназар Кунназаров суҳбатни давом эттириб. — Китоблар халқ маънавий бойлиги ҳисоблангани учун китоб савдоси ҳам давлатнинг ўз қўлида бўлиши керак, деб ўйлайман. Нашриётлар, китоб савдоси, таълим, маданият муассасалари ҳозирча давлат мутасаддилигида ва унинг ғамхўрлигида бўлгани маъқул.

Мустақиллигини қўлга киритган ўзбек халқи ўз мамлакатини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш йўлига кирар экан, қорақалпоқ халқининг ҳам миллий ривожланишига кенг йўл очиб берди, бу йўлда доимо ғамхўрлик кўрсатиб келаётир. Тамди, Конимех ва Нурота туманларида яшовчи қорақалпоқ фарзандларининг ўз она тилларида ўқишлари имкони туғилиб, қорақалпоқ мактаблари очилди. Нукус университетида, педагогика институтида ва педбилим юртларида қорақалпоқ мактаблари учун миллий кадрлар тайёрлаб берилаётганлиги билан бир қаторда ўқув қуроллари, дарсликлар билан текин таъминлаш чоралари амалга оширилаётганлигини қониқиш билан баён қилди у.

Нукусдан қайтар эканмиз, юрагимизда ажиб туйғулар уйғонган, бир яхши инсон ҳаёти билан танишиб, бундай инсонлар қанча кўп бўлса, ҳаётимиз шунчалар мазмун ва жозиба кашф этишини ўйлардик. Бундай кишиларнинг умр китобидан варақланган бир неча саҳифа улар босиб ўтган мазмунли умр йўлининг бир ёки икки бекати сифатида дилда қолишини, бундай умрлар тафсилоти ҳеч қандай китобга тўласинча сиғмаслигини идрок этардик.

Жонибек СУБҲОН, Турсун АЛИ.

Ҳар каллада ҳар хаёл

ДАНГАСА

— Менга яхши иш керак! Оз эмас, кўп эмас ҳар ойда 10-15 минг сўм маош тўлашса бас. Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари дам олиш бўлса-ю, бошқа кунлари бекор бўлсам. Шундай тер тўкиб меҳнат қилардимки...

КАШАНДА

— Чекишга қарши курашни зап йўлини топишибди, азаматлар. Қайсидир мамлакатда чекишни ташлаганларга ҳар ойда 100 доллардан мукофот пули берилаётган эмиш. Менга ҳам шуни таклиф қилишганда ўйлаб кўрардим...

АРАҚХЎР

— Шу зормандани ичганимга ҳам 15 йилдан ошди. Эҳ-ҳе, шу йиллар ичида «ютганимни» ҳисобласа 10 тонналик цистерна лиммо-лим тўлиб, тўкилиши тайин. Гоҳида улфатлар билан шунақанги «отишма» бўлардики, тунни тонгга улардик. Бизнинг ўрнимизда от бўлса, ёрилиб ўларди. Қойилман... Энди шу «шайтон сувни» ичмасликка қатъий қарор қилдик. Қарор қачон кучга кириши эса номаълум.

ОЛИБСОТАР

— Кейинги вақтларда ҳаловатим буткул йўқолди. Нукул тушимда «пачка-пачка» доллар топиб оладиган бўлиб қолдим. Кўзимни очаману «дод» дейман... Тушим ўнгидан келар, деган умидда яна бозорга равона бўламан. Ва олибсотарликни бошлаб юбораман. Имкон қадар бирни икки қилишга ҳаракат қиламан. Чап томоним билан тураманми, тушда кўрганларим рўёбга чиқмаяпти. Кеча ҳам шундай бўлди. ...Э, нега гап сотиб ўтирибман, кун ёришиб қолибди-ку. Зора бугун...

ХАЁЛПАРАСТ

— Ёғли ош бўлсаю, бошоғриқ иш бўлмаса. Йилнинг тўрт фасли ҳам ёз бўлса. Анҳордами, муздек сув оқадиган арикдами мириқиб кун узоғи чўмилсам. Меҳнат қилмасам ҳам маош тўлашса. Кўша-кўша «иномарка», «Мерс» каби автомашина-ю, «гап йўқ» дала ҳовлим бўлса. Сара таомлару «Смирнов» дегич ароқлар менга мунтазир бўлса. Дунё матбуоти, кўча-кўйлардаги афишалар кеча-кундуз каминаю камтаринни мақтаб реклама қилса. Пеле, Жонсон, Майк Тайсон, Марадоналардек миллион-миллион доллар даромад қилсам. Қандай бўларкин-а?! Лаббай...

Абдумалик БОТИРОВ

«СИНДИРАДИГАН»... АЁЛ

Ҳангома

Бекатда кўпчилик улов кутиб турибди. Кимдир бозордан, бошқа биров ишдан чиқиб уйга шошилмоқда. Ниҳоят «маршрутка» келди. Чамаси ўн беш киши урйиқит билан машинага чиқиб олдик.

Ҳамма ҳангома кейин бошланди.

— Ҳой, бетингдан бузилгур, нега манга ёрдамлашмадинг, — дея ўшқирди 45-50 ёшлардаги опахон ёнига ўтирган қизга қараб. — Асаканг кетармиди, шу қоплардан биттасини олиб чиқсанг. Зил-замбиллигини қара. Ҳар бири йигирма кило-я. — Кечирасиз, юкингиз борлигини кўрмабман, опажон, — деди мулойимлик билан қиз. — Ҳа, санларга ота-онанг тарбия бермаган. Кўчада йигитлар билан қўлтиқлашиб юрасанлар, холос. Бу гапдан кейин қизнинг ҳам жаҳли чиқди. «Айтишув» яна давом этди. — Овозингни ўчир, — деди опахон, ҳозир «синдираман». Отаонангга ҳам жавобини бераман. Буни эшитиб кўпчилик ўнгу сўлига қараб пиқирлаб кулди. Бундан аёлнинг жаҳли чиқдими, энди бошқаларга «ҳужум» қилишга ўтди. Ниҳоят: — Тушинг, — деди ҳайдовчи машинани тўхтатиб. — Ҳамманинг кайфиятини буздингиз. — Эй, тирранча, нима дединг, манга. — Яна шу гапингни қайтар. Ҳали «отвечат» қиласан. Ман «Самарқанд дарвоза»да тушаман. Ва сани шу дарвозага «осдираман». Бу гапдан кейин ҳамма қийқириб кулиб юборди...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

— Йўл бўлсин?
— Туз билади.

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК

1998 йил «Оила йили» деб эълон қилиниши бизнинг қадимий урф-одатларимизга янада янги мазмун бахш этади ва ўзлигимизни намоён этишга муносиб давъатдир.

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими жамоасининг оила йилидаги фаолияти янада қизғин ва кенг қамровли бўлади. Келгуси йилнинг жуда кўп мурувватли тадбирларида фаол қатнашишга астойдил бел боғладик.

Шарқнинг буюк аллома шоири Умар Хайёмнинг: «Бир дилни овла», — деган калимаси айни бизнинг кунларимизда янги мазмун касб этиши аниқ. Биз саховатли кишилар эканмиз, Оила йилида ўзбек хонадони равнақи, камолотини ошириш мақсадида жуда кўп ибратли юмушларни олиб боришимиз фарз ва қарз.

Мирзакалон ШОДИЕВ, Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар бўлими раҳбари.

ИСТАК

Раҳбар маънавияти

Шундай клубнинг борлигига шукур, дея, кўнглидан кечирди хўжалик раҳбари Зикриё Асроров. «Бир хилларга қолса шуни ҳам сотиб юборсанг... Йўқ, тушингни сувга айт. Ҳеч қачон бўш қолмайди, энди бу ерда ҳар доим маънавият кечалари ўтказамиз».

Дарҳақиқат, Касби туманидаги Алишер Навоий номли жамоа ширкат хўжалигининг клубидек иморатларни бугунги кунда қуриш амри маҳол. Хўжалик раҳбари буни кўп ўйлайди, тушунади. Мана бугун клуб оддий йиғилиш баҳона байрам тантаналаридагидек тус олди. «Сулаймон, тур шеър ўқи», дейди хўжалик раҳбари халқнинг кўтаринки кайфиятидан сархушона. Худди шуни кутиб тургандек, бугунги кунда нафақат туман, вилоятда, ҳатто марказ матбуотида шеърлари эълон қилинган хўжалик ҳисобчиси Сулаймон Ҳайдар шеър ўқий кетди:

«Эй гўзал оламни сиз қалбимга ошно этдингиз,
Ҳуснингиз-ла минг қаро тунларни рўшно этдингиз!»

— Хўжаликда эришаётган ютуқларимиз ёмон эмас, дейди Зикриё Асроров биз билан суҳбатда. — Ғалла, пиллани ҳам ошиғи билан адо этдик. Ўнлаб тегирмонлар узлуксиз халқ хизматида. Одамларимизга арзон нархда ғалла тарқатаяпмиз. Ҳозирча 200 ўринли болалар оромгоҳи мавжуд. Энди сартарошхона, кийим-кечак, тикув цехларию, пойафзал таъмирлаш устахоналари ва бошқа кичик корхоналарнинг сон-саноғи йўқ. Аммо ҳаммасидан ҳам кутубхонага эътиборимиз бўлакча.

— Мана шунақа чойхоналар шартмикан, — дейман хўжалик раҳбарига юзланарканман — теграмиздаги шарқона кўринишда бунёд этилган маҳобатли иморатга ишора қилиб.

— Бўлмасамчи, — дейди у. — Аввало ҳозирги кунда аксарият жойлар замонавийлашиб кетган. Ахир, қариялар ҳам қаердадир дам олишлари керак-ку. Қолаверса, бу санъат, маънавият. Ёғочга ўйилган нақшларга эътибор беринг-а, улар гўёки ўтмишдан ҳикматлар айтаётганга ўхшайди.

— Яқинда барча хўжаликлардаги маънавият ва маърифат хоналарини кўздан ўтказдик, — дейди Нишон тумани ҳокими Хайит Жониев. — Аксарият хўжаликларда бу борадаги ишлардан бошим осмонга етди. Аммо орамизда ҳали ҳам иқтисодиётни дастак қилиб маънавиятни тушунмайдиганлар ҳам бор экан. Иқтисодиёт ўз йўлида, зотан, юртбошимиз айтганидек, «Биз иқтисодий йўналиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан уйғун бўлишини истаймиз».

— Ўзингиз маънавиятни қандай талқин этардингиз?

— Ўтган замонда маънавиятга турлича, «идеология»га ўхшаш номақул сифатлар бериб келишди. Шу тариқа асил маънавият миллатнинг ўтмиши, эртанги орзу-ўйлари топталди. Соф фикрлай оладиган интеллектуал кучлар ҳам «коммунистик идеология» қурбони бўлишди. Аслида эса маънавият инсонда, дастлаб оилада — ота-она тарбияси орқали сўнгра эса аждодлар ҳикматлари-ю, ўтмиш сабоқлари орқали зоҳир бўлади.

Тўғрисини айтмоқ керак: бир пайтлар баъзи бир раҳбарлар олдида маънавиятдан сўз очсангиз алланечук киноялы кулиб қўярди. Бугун эса кўпчилик маънавият олдида сергакланади. Оддий деҳқондан тортиб курсида ўтирган раҳбаргача имкон қадар бу тўғрида мулоҳаза билдиради. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, ҳали маънавиятимиз янада юксалажак, кишилар тафаккурини яна ҳам бойитажак ва шундай бўлади ҳам. Зеро, маънавиятсиз юртнинг келажаги, истиқболи бўлмайди.

Илҳом КАРОМОВ.

«Саодат»нинг янги сони

АЁЛ КЎНГЛИГА ЧИРОҚЛАР ЁҚСАК

Журналнинг янги сонида «Кимга мадад бердик?» дея мурожаат қилади журналист Гулчеҳра Жамилова Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига келган шикоят хатларни таҳлил қилар экан. Бу сонда Мақсуд Қориевнинг «Қадр кечаси», «Жийда гули» ҳикоялари чоп этилган.

Шунингдек, ёш ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошнинг «Туй», Маъмура Абдурахимованинг «Дард» ҳикоялари билан ҳам танишасиз.

Шоира Ибодат Ражабованинг «Қишлоқнинг бодомзор боғлари» туркуми ҳам ижодкорнинг ўзига хос булган қалбларга сафаридир. Журналда Тамара Хуммаматова, Самия Сулаймонова каби шоира қизларнинг ҳам ижодларидан намуналар ўқийсиз?

Азизлар, ҳар қандай шарҳ таърифланаётган нарсанинг ўзи эмас. Шунинг учун яхшиси «Саодат»нинг янги сонини ўқинг, сотувга чиқди, нархиям унча қиммат эмас. Вақтингизга, пулингизга қўймайсиз.

Қ. РАҲИМБОЕВА.

КАДРЛИ КУЛГИСЕВАРЛАР!

Севимли ҳажв ва юмор журналингиз — «Муштум»га обуна бўлишга шошилинг. Обуна янги йилгача давом этади.

Журналнинг нашр индекси: якка тартибдаги обуначилар учун — 842, ташкилотлар учун — 843.

АВТОКОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ШАХСИЙ АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СОВУТГИЧ» ҳиссадорлик жамияти

барча турдаги автомобиллар учун антифризни ва тормоз суюқлигини чекланмаган миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади.

Антифриз ва тормоз суюқлигининг сифати ва ишончлилигига кафолат берилади. Нархи келишилган ҳолда ва бозор баҳосидан арзон!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Саноат зонаси, Обводная кўчаси, «Равшан» ҳиссадорлик жамияти биносида. Телефонлар: (3712) 47-53-45, 47-03-06.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «Муъжаз» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

«Ўзбекистон овози» газета жамоаси газетанинг собиқ мухбири, ёзувчи Самар Нуровга ўғли **Ахроржон НУРОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.